




ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

АДОЛАТ

КЎРКАМ ВА СИФАТЛИ МЕБЕЛЛАР

Юртимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилётгани боис, уларнинг иқтисодий ва ишлаб чиқаришдаги ўрни тобора юксалиб бораётган. 2002 йилда фаолият бошлаган Янгийўл туманидаги "Расулов Г.И." маъсуляти чекланган жамияти мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, мебель ва турли офис анжумлари ишлаб чиқаришни муваффақиятли йўлга қўйган корхоналардан бири саналади.

— Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор қарорлар биз каби тадбиркорлар фаолиятида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди корхона раҳбари Акмал Исоҳўжаев. — Дастлабки йилда корхонамизда бор-йўғи 10 турдаги мебеллар ишлаб чиқарилган бўлса, бугунга келиб уларнинг тури 150 га яқинлашиб қолди. Ҳозир турли юмшоқ мебеллар чиқаришни ҳам режалаштиряпмиз.



Дарвоқе, махсулотлар сифати ва рақобатбардорлигини оширишда банк муассасаларининг молиявий қўллаб-қувватлаши муҳим роль ўйнамоқда. Яқинда корхона "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкнинг Тошкент вилоят филиалидан 24,6 миллион сўмлик микролизинг маблағини олиб, Хитойнинг замонавий турт турдаги ме-

бель ишлаб чиқариш ускунасини ўрнатди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати сезиларли даражада ошди. Ҳозир корхонада ойига 25 миллион сўмлик бежирим ва кўркам мебеллар тайёрланаётгани сўзимиз тасдиғидир.

Акмал НАЗАРОВ
Носир ХАЙДАРОВ
олган суратлар

Ишлаб чиқариш

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент давлат юридик институтида "Ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш - Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг амалдаги ифодасидир" мавзuida халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизда жиноий-ҳуқуқий соҳани либераллаштириш натижалари, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш истиқболлари, жиноий жазони қўллаш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини бўйича халқаро тажрибани ўрганишга оид масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон адлия вазيري Ф.Отахонов, Тошкент давлат юридик институти ректори, Олий Мажлиси Сенати аъзоси М.Рустамбоев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, Германиянинг Бремен университети профессори Р.Книпер ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг моҳияти жамиятда инсонпарварлик тамойилларини янада кучайтириш,

илгор дунёқараш, юксак ахлокий-маънавий муҳитни янада мустаҳкамлашдан иборат эканлигини таъкидладилар. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил август ойида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ва "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармонлари муҳим аҳамият касб этаётгани кайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан яқинда "Ўлим жазосини бекор қилишни муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ва "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги қонунлар киритиш тўғрисидаги қарарлар қабул қилинганлиги ҳақида халқаро таъкидладилар.

зилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг маъқулланиши суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш борасидаги ишларнинг манткий давом бўлди.

Халқаро давра суҳбати иштирокчилари қамоққа олишга санкция беришнинг янги тартиби ва уни қўллаш шартлари, шунингдек жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашга доир масалалар бўйича фикр алмашдилар. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини қўллаш, унинг устидан шикоят ва протест келтириш тартиби ҳамда қамоқда сақлаш муддатини ўзайтириш масалалари бўйича қизгин мунозаралар бўлди.

Хорижий экспертлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришларга юқори баҳо бериб, мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистон ҳуқуқ тизими ўз тараққиётининг янги сифат босқичига кўтарилганлигини алоҳида таъкидладилар.

(ЎЗА)

БУНЁДКОР ТАЛАБАЛАР

Навоий Давлат қончилик институти кон-металлургия сан-ноати учун малакали мутахассислар тайёрлаб берадиган юксак салоҳиятга эга ўқув даргоҳидир.

Ўзгирилган кунларда мазкур ўқув юртининг юз нафардан ортиқ талабаси «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг институти бошланғич ташкилоти етакчилигида курилиш ва таъмирлаш ишларига сафарбар қилинди. Яна бир гуруҳ талабалар эса Навоий кон-металлургия ком-

ган бир гуруҳ талабалар ташаббускор бўлди, — дейди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти раҳбари Мухаббат Темирова. — Бу ҳаракатга бир гуруҳ фаол ёшлар жалб этилди. Навоий шаҳридаги «Навоийэнергострой» ҳамда «Навоий Азиз Нур» курилиш ташкилотлари билан шартнома асосида иш бошланди.

Курувчи-талабалар турар-жойларни таъмирлаш, ён-атрофни ободонлаштириш ишлари билан шуғулланади.

ТўЛАҚОНЛИ ФАОЛИЯТ УЙҒУНЛИГИ

хотин-қизларнинг жамият равнақи, юрт фаровонлигидаги ўрнини оширади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Хотин-қизларнинг мамлакат ҳаётида тўлақонли иштирокини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини халқаро ҳуқуқнинг умумэтипроф этишган нормалари ва халқаро стандартларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.



Қуйи палатанинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ташаббуси билан ташкил қилинган анжуманда барча партия фаоллари, турли давлат ва нодавлат ташкилотлар, вазирликлар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тадбирда таъкидландики, Ўзбекистон халқаро меъёрларни қабул қилган давлат сифатида халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка уйғунлаштиришни изчиллик билан амалга оширмоқда. Мамлакатимиз 60 дан ортиқ инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларга қўшилган. Улардан 23 таси бевосита хотин-қизлар ва болалар маффаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Конференцияда таъ-

кидландики, мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари халқаро стандартларга тўла мос келмади. Хусусан, Конституциямиз, қолаверса, Оила, Меҳнат ҳамда Фуқаролик кодекслари ва бошқа қонунларда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва маъқеани юксалтириш, ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган нормаларнинг белгилан куйилиши аёлларга бўлган гам-хуриятнинг ёрқин ифодасидир.

Мамлакат парламенти илк мартаба микрокредитлаштириш, микрокредит ташкилотлари ҳақида қонунлар қабул қилди, аҳолининг иш билан бандлиги, оилавий бизнес, ка-

саначиликни ривожлантиришга оид қонунларга зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритди. Бу эса оилалар фаровонлигини оширишга ҳуқуқий замин яратиб, аёлларнинг иқтисодий муносабатларга киришиши учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Маълумотларга қараганда, тадбиркор аёлларга ажратилган кредитлар 2006 йилнинг биринчи чораги давомида 3 миллиард 490 миллион 200 минг сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг дастлабки уч ойида эса бу кўрсаткич 13 миллиард 865 миллион 900 минг сўмга етган. Шунингдек, хотин-қизлар учун 4 минг 388 янги иш ўрни яратилди.

(Давоми 2-бетда)

ҚАЙНАР ҲАЁТ ПЎЛАТ ИЗЛАРДА

Энг улуғ, энг азий байрамимиз — Мустақилликнинг 16 йиллик тўйи арафасида мамлакатимизда тикланаётган қўлаб-қувватловчи ишоотлар қатори «Аср қурилиши» деб ном олган «Тошгузар — Бойсун — Қўмқўрган» темир йўли қурилишининг бориши ҳақида муттасили ҳаққа қилиб бориш учун бугунги эътиборан газетамизда «Тошгузар — Бойсун — Қўмқўрган темир йўли қурилиши қўнадилларида» номли янги рух очдик.

Марҳамат, руҳинизнинг дастлабки материали билан танишинг.


29 июнь. "Бугун Дарбанд, Шўрб, Оқрабоддаги Тошкент", "Бухоро", "Қарши", "Самарканд" участкаларида иш ҳар қачонгидан қизгин бўлди. Курувчилар, кўприксозлар, йулсозлар ҳар лаҳзани ганимат билиб меҳнат қилдилар. Бойсун тоғлари тизмаларининг қоқ белидан кесиб ўтаётган темир йўл излари бўйлаб бир кунда 200 куб метр бургулаш ишлари бажарилди...

2 июль. "Термиз — Тошкент" катта автомобиль йўлининг ён томонларидаги тоғ, жарлик ва ўнгирларда, қўққа найзадек қадалишга "интилан" чўқилар ёнида бульдозер, экскаватор, кўтарма кран, трактор ҳамда катта ҳажмли юк автомобиллари бисер.

Ярим чақиримча йўл юриб, бу ердаги қурилиш штабига бордик ва унинг деразасидан теваракка назар солдик олсларда ҳар бири 20-25 тонна юк ортган "КамаАЗ" машиналари қаторлашиб ҳаракат қилмоқда. Ўн километрдан зиёроқ масофа бўйлаб қўзилган темир изларда ҳозир 2 минг нафардан ортиқ бунёдкорлар тер тукишмоқда. Бульдозерчи Бобожон Қўзиёвнинг айтишича, унинг ўзи ҳар кун 4-5 минг куб тупроқ ишларини бажараяпти.

Темир йўл қурилиши бошқармаси бошлиғи Азимбой Қурбонов бизни эртага соат 14.00 да бўладиган штаб йиғилишига таклиф қилди.

3 июль. "Штаб йиғилиши ай-



кестон Республикаси Мустақилликнинг 16 йиллиги арафасида ишга туширилиши кўзда тутилган."

4 июль. "Деҳқонобод" станциясида Тошкент темир йўл муҳандислари институти билан Қарши иқтисодиёт-муҳандислик



институти талабаларидан тузилган меҳнат отрядлари ишини кузатдик. Улар бу ерга «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда қатор халқаро ташкилотлар иштирокида ташкил этилган "Бунёдкор — 2007" меҳнат отряди сафида келишган. Ҳар бир отряднинг ўз сардорлари бор: Камолитдин Жўраев, Илс Холбоев, Абдурахмон Абдумуродов...

Сардорларнинг аксарияти ўқишга киргуна ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар. Улар етакчилигида талабалар вокзаллар қурилишида, теварак-атрофни ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш ишларида темир йўл бунёдкорларига қўмак беришмоқда.

Камолитдин Жўраев бош булган меҳнат отрядидамиз. Вагон-купеларда яшаб, катта меҳнат кучида тер тўкаётган талабаларнинг руҳлари тетик, ишлари барабж.

— Яратиб берилган шарт-шароитдан қўнглимиз тўқ, — дейди отряд сардори. — Учи маҳал иссиқ овқат берилаяпти. Ҳаммамиз махсус кийим-бош билан таъминланганимиз. Кечқурунлари ёшларга хос кўнгличар тадбирлар — қўшиқ, шеърхонликлар уюштираяпмиз.

— Ойлик маош ҳам беришадди, — гапга қўшилди талабалардан бири. — Қурилишда иштирокимиз давомида ҳар биримиз 500-600 минг сўмдан моятна ишлаб топишимиз учун имкон бор. Институтда эса стипендиямиз сақланаяпти. Хуллас, ишимиз ҳам яхши, кайфиятимиз чоғ..."

Даврон БЕК,
"Адолат" мухбири

СОЧИ — ҚИШКИ ОЛИМПИАДА МЕЗБОНИ

Гватемалада бўлиб ўтган Халқаро Олимпиа Қўмитасининг 119-сессиясида 2014 йили ўтказиладиган қишки Олимпиада уйинларига мезбонлик қиладиган шаҳар номи маълум бўлди. Нуфузли мусобака мезбонлигига даъвогарлар баҳсида Зальцбург (Австрия), Сочи (Россия) ва Пхенчхан (Жанубий Корея) шаҳарлари иштирок этди.

Ғолиб номи икки босқичда овоз бериш йўли билан аниқланди. Халқаро Олимпиа Қўмитасида аъзо бўлган 97 давлат вакиллари катнашган тантананинг овоз бериш босқичи дастлабки турида Жанубий корейликлар 36 овоз билан биринчи бўлишди. Зальцбургдан тўққизта овоз кўп олган Сочи шаҳри ҳисобига эса бу кўрсаткич 34 тани ташкил қилди. Натижада овоз бериш тартиб-қоидаларига қўра, иккинчи турда Зальцбург Олимпиа баҳсидан четта қилди. Яқинда Сочи 51 та овоз билан 2014 йили бўладиган қишки Олимпиада уйинлари мезбонлигини қўлга киритди. Пхенчхан эса рақибидан атғи 4 та овоз кам жамгарди.

Яқиний натижаларни Халқаро Олимпиада қўмитаси президенти Жак Рогге эълон қилди. Сўнгра ХОҚ раҳбарияти ҳамда Россия делегацияси аъзолари — РОҚ президенти Леонид Тягачев, Краснодар ўлкаси гувернери Александр Ткачев ва Сочи шаҳри мэри Виктор Кольдьяжнийлар 2014 йилги қишки олимпиадани Сочида ўтказиш тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар.

Эслаб ўтамиз, бу Россия тарихидаги шу мамлакат шаҳарлари мезбонлик қилаётган иккинчи Олимпиада уйинлари ҳисобланади. Илк мартабада 1980 йили Москвада ёзги Олимпиада уйинлари ўтказилган эди.

Камолитдин МИРЗАМАХМУДОВ

